


56.6  
14.16

Н.Н. Мазалова

ТИШ  
КАСАЛЛИКЛАРИ  
ВА УЛАРНИНГ  
АСОРАТЛАРИ

Н. Н. МАЗАЛОВА

ТИШ КАСАЛЛИКЛАРИ  
ВА УЛАРНИНГ  
АСОРАТЛАРИ



84. 3097

Уз~~ССР~~ «МЕДИЦИНА» ТОШКЕНТ  
1983

56.6  
М 16

## Мазалова Н. Н.

Тиш касалликлари ва уларнинг асоратлари.—Т.:Медицина, 1983.—20 б.

Мазалова Н. Н. Заболевания зубов и их осложнения.

Муаллиф тиш касалликларининг пайдо бўлиш сабаблари, асоратлари, уларни даволаш тўгрисида хикоя қиласи, китобхоналарни тиш кариесининг асоратлари — пульпит, периодонтит ва шу кабилар билан таништиради.

Рисолада оғиз бўшлигини парвариш қилиш ва тиш касалликларининг олдини олиш бўйича фойдали маслаҳатлар берилган.

Кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

ББК 56.6  
617. 5

*На узбекском языке*

НАДЕЖДА НИКИТИЧНА МАЗАЛОВА  
доктор медицинских наук, профессор

## Заболевания зубов и их осложнения

Таржимон Т. Н. Файзуллаев

Редактор Р. Сафоев

Техредактор В. Мещерякова

Бадний редактор О. Аҳмаджонов

Корректор М. Ҳайдарова

ИБ № 789.

Теришга берилди 27. 04. 83. Босишига руҳсат этилди 02. 08. 83. Формати  $70 \times 108 \frac{1}{32}$ . Коғоз № 1. Адабий гарнитура. Юқори босма. Шартли босма. л. 0,87. Нашр. ҳисоб л. 0,89. Нашр. № 74—83. Тиражи 10000. Заказ № 428. Баҳоси 3 т.

Издательство «Медицина» УзССР, 700129. Ташкент, Навои, 30.

Узбекистон Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси ишлари  
Давлат комитети Тошкент «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси 3-босмахонасининг 1-цехи. Тошкент, Радиал пр., 10.

© Издательство  
«Медицина» УзССР,  
1983.

© УзССР «Медицина»  
нашриёти, 1983 (таржима).

Н 1119000000—043  
М 354(04) 83 56—83

Тиш кариеси одамда энг күп учрайдиган касаллуклардан бири ҳисобланади. Бу касаллик билан катта ёшдаги кишиларнинг қарийб 90 проценти оғрийди.

Кариес тишининг чириши, «құрт ейиши» демакдир. Бу тиш қаттиқ түқималарининг касалланиши бўлиб, бунда тиш эмали ва дентини емирилади.

Кариоз процесс пайдо бўлишига ва ривожланишига сабаб бўладиган кўпгина омиллар аниқланган. Шунга муовфика ҳолда турли даврларда кариеснинг келиб чиқиш сабабларини изоҳлаш учун турли хил назариялар мавжуд бўлган, чунончи, У. Миллернинг химиявий-бактериал назарияси, Д. А. Энтиннинг физик-химиявий назарияси, И. Г. Лукомскийнинг биологик назарияси, Е. Е. Платоновнинг тиш қаттиқ түқималарининг емирилишига олиб келадиган тиш кариесига нерв регуляциясининг ўзгариши натижаси сифатида қарайдиган назарияси шулар жумласига киради. Бироқ ҳанузгача кариес пайдо бўлишининг сабабини тушунтира оладиган ягона назария вужудга келмаган эди.

Хозирги замон тадқиқотларига кўра тиш кариесининг ривожланишида бутун организмнинг актив роли борлингани аниқланган. Тиш кариеси пайдо бўлишининг илк даврида минерал алмашинувининг бузилиши исботланган.

Тиш кариеси узоқ вақтгача оғриқсиз ўтиши мумкиниллиги туфайли кўпчилик кишилар врачга ўз вақтида мурожаат қилмайдилар, бу вақтда тишининг коропка қилеми ачагина емирилишга учрайди. Кариесга вақтида даво қилинмаганда жиддий асоратлар пайдо бўлиши мумкин, бу лар эса баъзан кўнгилсиз оқибатларга олиб келади.

Касал тишлар билан овқатни обдан майдалаб булмайди, улар инфекция манбаига айланади ва меъда-ичак йўлари, юрак-томирлар системаси, буйракларни касаллантириши мумкин. Касал тишларнинг кариоз бўшлиқларидаги турли-туман микрофлора бўгимлар ва юракнинг ревматик зарарланишига, хрониосепсисга олиб келади.

Текширишлардан маълум бўлишича, тиш карнеси оқибатида юзага келадиган жағ-юз соҳасидаги яллигланиш процесслари — ўткир периодонтит, ўткир йирингли периостит, ўткир ва хроник остеомиелит, флегмоналар кўпинча оғир кечади ва хатарли оқибатларга — сепсис, калла-мия синуслари тромбози, ўпка абсцесси кабиларга дучор қилиши мумкін.

Айтилган фикрлардан жағ-юз соҳасидаги яллигланиш ўчоқларининг жиддий хавф солиши англашилади. Шунга кўра аҳолининг тиш касалликлари тўғрисидаги ҳамма маълумотларни билиши унинг ўз вақтида врачга бориши ва тегишлича даво олиши учун муҳимdir.

Тиш касалликларини ва уларнинг асоратларини тасвирлашдан олдин тишнинг тузилиши хусусида қисқача тўхтабиб ўтамиз.

Тиш қаттиқ ва юмшоқ тўқималардан ташкил топган. Қаттиқ тўқималарга тиш коронкасини қоплаб турадиган эмаль, тишнинг асосини, скелетини ташкил этадиган дентин ва тиш илдизини қоплаб турадиган цемент киради. Юмшоқ тўқималарга тишнинг ўртасида (пульпа камерасида ва илдиз каналларида) бўладиган пульпа ва тиш илдизи атрофида тишнинг цементи билан унинг суюк тўқимаси орасида жойлашгани ва шу тариқа тишни катакда тутиб турадиган периодонт киради.

Тип катаги альвеоляр ўсиқнинг суюк тўқимасида бўлади, альвеоляр ўсиқ эса жағнинг таркибий қисми ҳисобланади.

Жағдан чиқадиган томирлар ва нервлар тиш илдизининг чўққисидан тешик орқали тиш илдизи каналига (пульпага) киради. Бу жағнинг суюк катагида бўлади.

Илдиз каналларидаги моддалар чүкүндеги төспик орқали периодонтга тушади.

Шундай қилиб, тиш жағ суяги билан узвий алокада булади ва илдиз каналларидаги моддалар—тишинг халок булган инфекцияланган пульпаси, инфекция бевосита жағ суягига тушиб, одонтоген (тиш туфайли) яллиғланиш процессларини келтириб чиқаради.

Тиш кариеси унинг қаттиқ тұқымаларини (эмаль, дентин, цемент) шикастлантиради. Юза кариес (тиш эмали зарар күрады), урта (эмаль ва дентиннинг юза қатламлари заараланады) ва чуқур кариес (дентин бирмунча чуқур шикастланады) фарқ қилинади. Пульпа устида жуда іопқа дентин қавати қолади.

Тиш кариеси иссиқлик ёки химиявий таъсирот натижасында оғриқ пайдо қилади ва таъсирот тұхташи билан оғриқ қолади. Овкатдаги химиявий таъсиротларға ундағы ширин ва нордон моддаларни киритиш мүмкін.

Кариесда тиш паст ҳароратта (совуқ сув, ҳаво) сезувчан бұлиб қолади. Чуқур кариесда кариоз бұшлиқ тубини босиб күрілганды оғриқ пайдо бұлади.

Кариес билан заараланған тишини да-  
воляш кариоз процесс босқичига боғлиқ. Юза ва үрта  
кариес врачага бир марта борилганды тузалади. Чуқур ка-  
риесда иккі марта борилади: бириңчи марта боришида ка-  
риоз бұшлиқдан тишининг емирилған тұқимаси олиб ташла-  
нади ва 7—10 кунга вақтінчалик (контрол) пломба қўйи-  
лади. Бу муддат үтгач ва пульпада асоратлар — оғриқ  
бұлмаганда доимий пломба қўйиб қўйилади. Пломба қў-  
йышдан олдин кариоз бұшлиққа тишининг емирилған тұқи-  
масини олиб ташлаш мақсадида бормашина әрдамида иш-  
лов берилади. Аксари беморлар бормашинадан қўрқиб,  
врачага боришмайды, оқибат-натижада касаллик зўрайиб  
кетади.

Хозирги вақтда ватанимиз саноати минутига 10 минг  
дан 350 минг мартағача айланадиган электр приводли ва  
турбиналы бормашиналарни ишлаб чиқараётганини айтиб

үтиш ўринлидир; бундай машиналар құлланилганда оғриқ бирмунча кам сезилади.

Тошкент шаҳрида ва республикамиздаги күргина поликлиникаларда тишларни даволаш ва күп тишларни олишда умумий (вена орқали) оғриқсизлантириш құлланилади.

Кариоз бўшлиқни тегишли тозалагандан сўнг уни пломбалаш тиш тўқималарининг кейинги емирилишини тўхтатади.

Тишида кариес белгилари пайдо бўлган бемор врачга вақтида мурожаат этмаса, бундай тишнинг ички қисми емирилишда давом қилиб, тишнинг ичидаги қаттиқ тўқималари заарланади ва пульпа устида тиш қаттиқ тўқимасининг фоят юпқа қатлами—дентин қолади. Ўндан пульпага (тишнинг юмшоқ тўқимасига) уни яллифлантирадиган микроблар тушади ва кўпчиликка маълум бўлган тиш оғриғи азоби пайдо бўладики, бу дардни мишъякли пастадан бўлак енгиллаштирадиган дори-дармонлар топилмаган. Бундай пульпит—тиш пульпасининг яллифланишидир.

Пульпит кариеснинг оқибати ҳисобланади. Ўткир ва хроник пульпит фарқ қилинади.

Ўткир пульпит учун тутиб-тутиб турадиган ва узоқ вақтга чўзиладиган, бехосдан, асосан тунда пайдо бўладиган оғриқлар хос. Тиши пульпит бўлган бемор «ўзини қаерга қўйишини билмайди». Оғриқдан қутулиши учун кариоз бўшлиққа турли дориларни қўйишга уринади, бироқ оғриқ қолмайди. У ўринга ётиб ухлай олмайди, чунки горизонтал ҳолатда оғриқ кучаяди.

Пульпитли тишга даво қилинганда у күп йилларгача сақланади ва кейинги асоратлар рўй бермайди. Бунинг учун аввалига кариоз бўшлиққа мишъякли паста қўйилали, у пульпани ҳалокатга учратади ва оғриқни қолдиради, сўнгра тишга даво қилинади ва пломбаланади.

Бироқ қаттиқ оғриқ босилгандан сўнг айрим беморлар врачга қайта бормайдилар. Врач қўйган вақтинчалик пломба кариоз бўшлиқдан тушиб кетади. Ҳалок бўлган пульпага оғиз бўшлиғида кўплаб бўладиган микрооргани-

змлар тушади. Инфекция илдиз каналидан тиш илдизи учидаги тешик орқали тиш атрофига — периодонтга — тиш илдизи атрофида жойлашган юмшоқ тўқимасига тушиади. Бу тўқима (периодонт) тутамлари бир томондан тиш илдизи цементига, иккинчи томондан тиш катагининг сүяқ тўқимасига ёпишади. Қарис ёки пульпитнинг бошқа асорати — периодонтит (периодонт яллиғланиши) шу тариқа ривожланади.

Илдиз каналидаги чиринди модда овқат чайнаш вақтида овқатнинг босими таъсирида периодонтга сурилиб ўтиши мумкин.

Яллиғланиш процесси инфекциянинг периодонтга тиш бўйни олдидағи милкнинг четидан тиш тозалаш пайтида турли предметлар (гугурт чўпи, игна ва ҳоказо) орқали ўтиши натижасида пайдо бўлиши мумкин. Бунда милк чети шикастланиб қолади.

Инфекция периодонтга оғиз бўшлиғининг турли яллиғланиш процесслирида қон томирлар ва лимфатик томирлар орқали ўтиши ҳам мумкин. Периодонтит тишга шикаст етганда (зарб текканда, сүяқ тозалашда, ёнгоқ ва данак каби қаттиқ нарсаларни чақишида), шунингдек тишларни даволаш пайтида ишлатиладиган дори моддалар (арсенит кислота, формалин ва ҳоказо) тиш бойламига таъсир қилганда ва уларни ўз вақтида олдирилмаганда вужудга келиши мумкин.

Клиник кечишига кўра ўткир ва хроник периодонтитлар фарқ қилинади.

Ўткир йирингли периодонтитда тишда қаттиқ лўқилловчи оғриқ пайдо бўлади. Тишга қўл теккизилганда ҳамда тишлар жислаштирилганда оғриқ кучаяди. Тиш «усиб қолгандек» туюлади. Юзнинг юмшоқ тўқималари шиниади, тана ҳарорати қутарилиши мумкин. Бемор ўзини ёмон ҳис қиласди, боши оғрийди, уйқуси бузилади.

Йирингли периодонтитда яллиғланиш процесси битта тиш соҳасини эгаллайди, холос.

Ўткир йирингли периодонтитни даволаш йирингли про-

цесснинг атрофдаги тўқималарга тарқалиб кетишининг олдини олишдан иборат. Бунинг учун периодонтдаги йирингнинг илдиз канали орқали илдиз чўнтағига ёки олдирилган тишнинг катагига оқиб тушишини таъминлаш зарур.

Агар тишининг функционал аҳамияти бўлса ва уни сақлаб қолиш мақсадга мувофиқ деб топилса, кариоз бўшлиқни овқат қолдиқларидан тозалаш ва илдиз каналига зонд киритиб, уни йирингдан ҳоли қилиш лозим. Шундан сўнг оғриқ бирданига пасаяди. Йирингли экссудатни милк чўнтағи орқали чиқариш ҳам мумкин.

Агар касал тиш периодонтидаги авж олган яллигланишни курсатиб ўтилган методлар билан бартараф этиб бўлмаса ва яллигланиш процессининг тарқалиш хавфи бўлганда тишин олиб ташлаш лозим. Функционал қимматига эга бўлган тиш олинган ҳолларда ўткир яллигланиш процесси босилгандан сўнг шу тишин ўз катагига кўчириб ўтқазиш (реплантация) мумкин.

Хирургик даводан сўнг беморга оғриқсизлантирувчи во-ситалар тайинланади, оғизни дезинфекция қиласидан эритмалар (1:100 калий перманганат) билан чайиш, ҳарорат бўлганда антибиотиклар тавсия этилади.

Тишини сақлаб қолинсаю, бироқ уни даволанмаса, касаллик сурункали босқичга ўтади.

Хроник периодонтит ўткир периодонтит натижасида ёки периодонтинг илдиз канали микрофлорасидан узоқ вакт инфекцияланиши сабабли ривожланади.

Хроник периодонтитда тишка кариоз бўшлиқ бўлади ва беморни қаттиқ оғриқ безовта қилмайди, бироқ тишини босгандан оғрийди. Шу туфайли касал тиш бўлган томонда одатда овқат чайналмайди, шунга кўра беморнинг юқори ва настки жағидаги ҳамма тишлари караш, тиш қатламлари билан қопланиб, улар баъзан жуда катталашиб кетади. Оғиздан ёмон ҳид келади.

Бундай тиш илдизи учидаги доимо инфекция бўлиши, унинг совуқ, касалликлар, чарчашиб туфайли организмнинг қувватдан кетишида ва хусусан ҳомиладорлик даврида

актив бўлиши қўпинча касалликнинг зўрайинига олиб келади. Бунда тиш илдизининг тубида пайдо бўлган йирикли процесси тиш катаги суяк тўқимасининг емирилишинга сабаб бўлади. Йирикли экссудат жағнинг суяк устки пардаси остига ва жағнинг бағрига бемалол оқиб тушади.

Хроник периодонтитнинг фиброз, грануляцион ва гранулематоз формалари фарқ қилинади.

Кечиши ва даволаш натижаларига кўра фиброз периодонтит энг осон ўтади. Беморда одатда шикоятлар бўлмайди, у овқат чайнаганда оғриқ сезмайди. Тишда кариоз бўшлиқ бўлади. Фиброз периодонтит диагнози рентгенологик метод ёрдамида қўйилади. Бундай тишни дори-дармон билан даволаса бўлади, шунинг учун уни олдиришга шошилмаслик керак. Даволашдан сўнг кариоз бўшлиқ пломба билан бекитилади ва тиш узоқ вақтгача ўзининг овқат чайнаш вазифасини бажариши мумкин. Даво қилинмаганда периодонтитнинг хроник формаси юзага келиши мумкин. Грануляцион периодонтитда тиш катагининг суяк тўқимаси йирикли емирилишга учрайди, бу ҳодиса тарқалган сайин яллигланиш кўпроқ соҳани эгаллаб боради.

Грануляцион периодонтит фиброз турига нисбатан оғирроқ кечади, тез-тез авж олиб туради. Унинг клиник манзараси турли-туман. Беморлар айниқса қаттиқ ва иссиқ овқат еганда тиши оғриб қолишидан шикоят қиладилар. Тишни босилганда оғриқ кучаяди, шунинг учун овқат касал тиш бор томонда чайнамайди, бу эса, юқорида айтилганидек, тишда катта-катта қатламлар ҳосил бўлишига олиб келади.

Грануляцион периодонтит учун оқма бўлиши характерли, у аксари касал тиш илдизи сатҳида нуқтасимон тешик ҳолида жойлашади. Оқмалар милк шиллиқ пардасида, касалланган тиш томондаги терида — ияк соҳасида, кўзнинг ички бурчаги олдида, ёноқ соҳасида ва камдан-кам бўйинда жойлашиши мумкин. Оқмадан йириңг ажralиб туради, шунга кўра тиш оғриғи пасаяди ва бемор врача

бормайди. Касал тиш жағда тураверса ёки даволатилмаса, оқма узоқ йилларгача давом этади. Баъзан оқманинг йўли бекилади ва касаллик зўраяди ва ўткир периодонтит сифатида кечади.

Грануляцион периодонтитда суюк тўқимасининг емирилиши рентгенда аниқланади.

Хозирги вақтда тишин даволашнинг бирмунча мукаммал методлари топилганлиги туфайли хроник периодонтитнинг грануляцион формасига муваффақиятли даво қилингани. Даво яхши натижа бермагандан тишин олиб ташлаш лозим. Тиш катаги ва оқма қунт билан қириб ташланади.

Хроник грануляцион периодонтит абсцесслар ва флегмоналар, периостит, остеомиелит ҳосил бўлишига олиб келадиган инфекциянинг хатарли ўчоги ҳисобланади. Касалланган тиш илдизи соҳасида доимо инфекция, йиринг бўлиши унинг истаган пайтда атрофдаги юмшоқ тўқималарга ва суюк тўқимасига тарқалишига олиб келиши мумкин.

Гранулематоз периодонтит грануляцион формасига нисбатан енгилроқ кечади. Беморлар одатда тиш оғрифидан шикоят қилишмайди. Унинг бу формаси учун тишилдирига кичкина бўлиб, ўсиб кистогранулемага, сўнгра кистага айланади.

Гранулематоз периодонтитда тишилдирига кистага соҳасида ги патологик ўзгаришлар рентгенда аниқланади. Гранулема ўсган сайин касалланган тишилдирига катталашади ва кистага айланганда кўзга яққол кўринади. Секин ўсиши сабабли bemorлар жағда рўй берган ўзгаришларни пайкашмайди ва бу ўзгаришни аксари атрофдагилардан эшиладилар. Киста катталашади, жаға суюгини юпқалаштиради ва ҳатто пастки жағга озгина шикаст етганида ҳам баъзан унинг синиб кетишига олиб келиши мумкин.

Гранулемаси кичик тишлини даволаш яхши натижа беради. Агар яхши натижа бермаса, тишилдирига олиб ташланади.

Гранулема бир илдизли тиши—курак, қозиқ тиши учи соҳасида жойлашганда уни сақлаб қолиш учун тиши илдизи учни резекция (операция) қилинади. Киста бўлганда уни олиб ташланади.

Тиши унчалик емирилмаган хроник периодонтит ҳолларида яллиглапиши жадал кечаетганлиги ва унинг тиши атрофидаги тўқималарга тарқалиш хавфи борлиги туфайли уни олиб ташлаш зарур. Яллигланиш процесси босилгач, тиши ўз катагига кўчириб ўтказилади (реплантация).

Гранулема ёки киста йиринглай бошлагандан эртароқ врачга учрашиш зарур, чунки вакт ўтказиб юборилганда асоратлар—периостит (суюк усти пардасининг яллиглапиши), абсцесс, флегмона пайдо бўлади.

Жағнинг ўткир йирингли периостити ўткир ёки авж олган хроник периодонтитнинг бирмунча оғир асорати ҳисобланади, шунингдек радикуляр ёки фолликуляр кисталар йиринглагандан, пародонтознинг абсцессга айланадиган формасида, ақл тиши қийинлик билан ёриб чиққанда пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Периодонтитнинг хроник формаси кўпинча периоститга сабаб бўлади. Қасаллик тиши илгари даво қилингаи, бироқ оғриқ қолгач бемор врачга қайта бормаган ёки тишга пломба қўйилган, пломба тушиб кетган ва бемор яна врачга мурожаат қилмаган ҳолларда тишка оғриқ пайдо бўлиши билан бошланади. Тиши оғрифи бошлангандан сўнг 2—3 кун ўтгач, қасал тиши томондаги юз шишади. Оғриқ жағнинг ҳамма қисмига тарқалади, қулоқ, чакка, кўзга ўтади. Юз шишгандан кейин бемор тишка оғриқ насаийганини сезади. Яллиғли шиш миљкда ва юзнинг юмшоқ тўқималарида ҳам пайдо бўлади.

Юқори жағ тишлиларда периостит пайдо бўлганда юзнинг ярми: лунжалар, пастки ва устки қовоқлар, юқори лаб, бурун асоси ва қаноти, чакка соҳасида шини пайдо бўлиши, пастки жағ тишлилари периоститида—пастки лаб, ияқ, лунж, жағ ости соҳасининг шиниуви кузатилади. Баъзан оғизни очиш қийинлашади.

Бу касалликда беморнинг умумий аҳволи ёмонлашади, тана ҳарорати күтарилади, дармони қурийди. Кейинчалик яллиғланиш кучайиб, йиринг сүяк усти пардасида йигилганда бемор қаттиқ оғриқ сезади. Йиринг сүяк усти пардасини емириб, милк шиллиқ пардаси остига тушади, бу ерда юпқа шиллиқ парда билан қолланган чегараланған шиш—халқ үртасида «пилла» деб аталадиган абсцесс пайдо бўлади. Абсцесс пайдо бўлгандан кейин оғриқ камаяди.

Периоститга даво қилиш методлари яллиғланиш процессининг ривожланиш босқичига ва касалликка сабаб бўлган тиш ҳолатига боғлиқ. Тишнинг функционал қиммати бўлмаса, яъни чўкиртак бўлиб қолгаилиги сабабли овқат чайнашда қатнаша олмаса, уни олиб ташланади. Тиш кам шикастланган ва уни сақлаб қолиш мумкин бўлса, даво қилинади. Қасалликнинг илк босқичларида врачга мурожаат қилинганда яллиғланиш процесси турли хил иссиқ муолажалар ва дори воситаларини қўллаш натижасида тўхташи мумкин.

Ўткир периоститининг кўпчилик ҳолларида хирургик даво ўтказилади — йиринг чиқиб кетиши учун яллиғланиш ўчоги очилади. Операциядан сўнг беморнинг аҳволи тезда яхшиланади ва у соғаяди.

Жағларнинг ўткир йирингли периостити асосан поликлиника шароитида даволанади, касалликнинг клиник кечиши оғирлашганда хирургик стоматология клиникасида даво қилинади.

Аксари периостити бор беморлар врачга мурожаат этиб, таклиф қилинган хирургик операция — кесиш ва тишини, кўпинча унинг илдизларини олиб ташлашдан бўйин товлаб, хеч қандай оғриқ йўқ, деб жавоб қайтарадилар. Беморларнинг бу хатти-ҳаракати мутлақо нотўғри. Суяк усти пардаси остида ёки милк шиллиқ пардаси остида йигилиб қолган йиринг тарқалиб, сүяк усти пардасининг кўпроқ қисмини ва сўнгра сүякни эгаллайди. Инфекциянинг сүяк кўмиги бўшлиқлари бўйлаб жагга тарқалиши бундан ҳам оғир асорат — остеомиелитга олиб боради.

**Жағлар остеомиелити** — жағ сүяк тұқымасынниң иірингли яллиғланиш процессидір. Үнга 5—10 ёшдеги солалар ва 20 дан 40 ёшгача бұлган кишилар дұчор бұлады, чунки бу ёшда тиіш кариеси әнг күп тарқалған бұлады. Құпинча остеомиелит аёлларға нисбатан әркакларда күп ривожланади, ҳолбуки әркаклар тишиларига кам жылдарда берадилар.

Остеомиелит ривожланишига хроник периодонтиттің касал тишилар периодонтидан сүякка инфекция тушиши сабаб бұлады. Хроник периодонтиттің қар гал янындағы авж олиши организмға инфекция киришига олиб келади.

Клиник кечишига күра остеомиелиттің үткір, үртаса үткір ва хроник формасы фарқ қилинади.

Үткір остеомиелит құйидагыда бошланади: хроник периодонтит зұрайғанда тиішда пайдо бұладын оғриқ иссиқлик мұолажалари құлланилиб, дорилар ичилганды ҳам тұхтамайды, балки кучаяди. Битта тиішда пайдо бұлган оғриқ бир неча тишиларға ва жағға тарқалади. Жағ ушлаб күрілғанда унинг оғриши кузатиласы. Касал тиіш ёнідеги тишилар ҳаракаттан бўлиб қолиб, уларни тукиллатыб күрілғанда оғриқ сезилади.

Жағларнинг үткір остеомиелиттіде беморнинг умумий ахволи ҳам зарап құрады: эти жунжикади, боши оғрийди, бутун танаси қақшаб оғрийди, уйқуси, иштахаси ёмошли шади, дармони қурийди. Тана қарорати 39—40°C гача күтариласы. Оғиздан құланса ҳид келади, сұлак қуюқ, ёпшиққоқ бұлады. Аксари овқат ютиш қийинлашади. Қон ва сийдикда үзгаришлар аниқланади, меъда-ичак йүлларни фаблияті бузиласы. Айниқса оғир ҳолларда бемор ҳушидан кетади. Беморнинг юзи шишинқирайды, оғзини зұрга очади.

Бу касалликда жағдаги йириңг жағ олди юмшоқ тұқималарига тарқалиши мүмкін, натижада йириңгли үчоқлар, флегмоналар пайдо бўлиб, үткір остеомиелиттің кечишини қийинластиради. Құп жойни әгаллаган йириңгли флегмонаоз процессда юз веналарининг тромбози (бекилиб қо-

лиши) рўй бериб, сўнгра йиринг қаттиқ мия пардасига, юзунингдек кўкс оралиғига ва бошқа органларга, кейин қонга ўтиши мумкин. Врачга кеч мурожаат қилинганда антибиотиклар қўлланилишига қарамай, касаллик аксари ўлим билан якунланади.

Остеомиелит процесси юқори ва пастки жағни зааралантириши мумкин. Пастки жағда остеомиелит оғирроқ ва узоқроқ давом қилади.

Бу касаллик заифлашган, бирор касалликни бошидан кечирган кишиларда, ҳомиладор аёлларда ва болаларда кўпроқ учрайди.

Беморларнинг антибиотикларни врач рухсатисиз эрта ва пала-партиш ишлатишлари сабабли яллиғланиш процесси пайдо бўлганда ўткир остеомиелитнинг клиник манзараси аниқ-равшан юзага чиқмайди, нотипик бўлади, бу аксари касалликни ўз вақтида аниқлашни қийинлаштиради. Ўткир остеомиелитли bemorлар оғир аҳволда стационарга тез ёрдам машинасида олиб борилади.

Бу касалликни маҳаллий ва умумий даволанади ва даволаш хирургик: стоматология шароитларида ўтказилади. Биринчиси шошилииҷ хирургик аралашувдан (остеомиелитга сабаб бўлган тишни олиб ташлаш), йиринглаган жойларни оғиз бўшлиғи томонидан ва ташқаридан кесиш, иккичиси—антибиотиклар, сульфаниламидлар ва умуммустаҳкамловчи даво: глюкоза, кальций хлорид (венага), юрак дорилари, ухлатувчи ва оғриқсизлантирувчи воситалар, витаминлар, калорияли суюқ овқат бериш, оғиз бўшлиғини антисептик эритмалар билан бир неча бор яхшилаб чайишдан иборат.

Жағлардаги ўткир остеомиелитнинг бошлангич даврида врачга барвақт борилганда bemor 10—14 кунда тузалиб кетади. Касаллик зўрайиб кетган ҳолларда ўткир остеомиелит абсцесслар, флегмоналар кўринишидаги асоратларни келтириб чиқаради ва хроник остеомиелитга ўтади.

Шундай қилиб, битта тишка бошланган яллиғланиш жағнинг заарланишига сабаб бўлади.

Хроник остеомиелитда некроз, яъни жағ сүяк тұқымасыннан, побуд бўлиши кузатилади. Остеомиелитнинг ўткир босқичи астасекин хроник формага ўтади. У ойлаб ва йиллаб давом этиши мумкин.

Касаллик ўткир кечгандан сұнг беморнинг умумий аҳволи яхшиланади, бироқ сүякдаги яллигланиш процесси тұхтамайды, беморнинг тана ҳарорати пасаяди, жағдаги оғриқ камаяди, уйқуси яхшиланади, иштаҳаси очилади. Заарланган жағ катталигича, шакли ўзгарғанча қолади. Тез орада оғизда ёки юз терисида оқма пайдо бўлади (1-расм), ундан доимо йириңг ажralиб турди. Оқма сүяkkача тарқалади (2-расм).

Остеомиелитнинг хроник босқичида сүякнинг жонсизланган қисмлари—секвестрлар ажralиб туша бошлайды. Ажralган секвестрлар ҳаракатчан бўлиб қолади. Сүякнинг жонсизланиши ва секвестрлар ҳосил бўлиши 4 ҳафтадан 7 ҳафтагача ва бундан кўпроқ вақт содир бўлади. Секвестрлар борлиги жағни рентгенологик текширишда аниқланади.

Жағнинг чегараланган қисмлари, шунингдек ярми жонсизланниши мумкин. Жағнинг каттаги на қисми некрозга учраган тақ-



1-расм. Хроник остеомиелит (кўп сонли оқма йўллари).



2-расм. Пастки жағнине жонсизланган сүяги (секвестр).

дирда у синади ва жағнинг айрим қисмларида нуқсон, яъни камгаклар ҳосил бўлади. Йирик секвестрларнинг тишлар билан бирга кўчиб чиқиши юз шаклининг узгаришига, овқат чайнаш фаолиятининг бузилишига олиб келади.

Болаларда бошдан кечирилган хроник остеомиелитдан сўнг айниқса оғир деформациялар ва юзнинг хунуклашиб қолиши рўй беради.

Хроник остеомиелитда оқма бекилиб қолиб, йиринг ажралиши тўхтаганда касаллик зўрайиши мумкин. Бу ҳол бемор умумий ҳолатининг ёмонлашуви, тана ҳароратининг кўтарилиши, юзнинг шишинқираши ва жағ олди соҳасидаги юмшоқ тўқималарда йиринглар — абсцесслар ва флегмоналар ҳосил бўлиши билан ўтади.

Хроник остеомиелитга операция йўли билан даво қилинади—секвестрлар олиб ташланади. Даволаш хирургик стоматология клиникаси шароитида олиб борилади. Жағнинг чегараланган заарланишида операция маҳаллий оғриқсизлантириш усулида, кўп заарлланганда эса наркоз остида амалга оширилади.

Хроник остеомиелитда секвестрлар аксари тишлар билан бирга олиб ташлангандан сўнг болаларда сут тишлар ва доимий тиш куртаклари нобуд бўлади, жағ нуқсони ҳосил бўлади, натижада юз хунуклашади, овқат чайнаш қийинлашади (З-расм).

Пастки жағнинг бўғим ўсимтаси заарланиши билан ўтадиган хроник остеомиелитни бошидан кечирган болаларда айниқса жиддий бузилишлар вужудга келади. Жағ билан бирга бўғим ўсимтаси ҳам нобуд бўлади, бў-



З-расм. Боланинг юзи хроник остеомиелит сабаби хунуклашиб қолган.

ғим бошчаси ҳалок бўлганда эса анкилоз рўй беради, яъни чакка-пастки жағ бўғимининг ҳаракатчалиги йўқолади, натижада пастки жағ ҳаракати тўхтайди ва беморининг оғзи очилмайди. Жағларнинг очилиши қийин бўлганидан беморлар одатдаги овқатни ейишга қийналадилар ва улар овқатни олдинги тишлар орасида майдалаб, кўн йилларга-ча суюқ овқат тановул қиласидилар. Болаларда доимий тишлар елпигичга ўхшаб чиқади, чунки жағлар зич юмилиб турганлигидан тишларнинг чиқиши учун жой бўлмайди.

Жағни нормал ҳолатда тутиб туриш учун беморлар пластмассадан ясалган маҳсус шинани сақланиб қолган тишларига узоқ вақтгача тақиб юришга мажбур бўладилар. Болалар бундай шинани жағ-юз скелети тўлиқ шаклланиб бўлгунча тақиб юрадилар. Шундан сўнг жағни тиклаш ва нуқсонини бартараф қилиш учун пластик операция қилиш мумкин.

Жағ суяги нуқсонини тиклайдиган пластик операция усули билан йўқотиш мумкин, холос. Бунинг учун нуқсонга беморнинг ўзидан олинган — қовурғасининг бир қисмини ёки консервланган суякни киритилади. Суяк яшаб кетгандан сўнг нуқсон йўқолади. Тушган тишлар ўрнига протез тишлар қўйилади. Бўғим бошчаси ҳалокатга учраганда суяк-тоғайли трансплантатдан ёки пластик материалдан янги бўғим ҳосил қилиш туфайли операция мушкуллашади. Болаларда деформацияларни ва нуқсонларни бартараф этиш учун бир неча операциялар қилишга тўғри келади. Хроник остеомиелитни бошидан кечирган кишилар бир умрга инвалид бўлиб қоладилар.

Остеомиелитдан ташқари, тиш касаллигига бошқа оғир асоратлар — абсцесслар ва флегмоналар юз бериши мумкин. Юмшоқ тўқималарда яллиғланиш процессини пайдо қилувчи инфекция манбай асосан хроник периодонтит ҳисобланади. Флегмоналар ва абсцесслар пайдо бўлишига периостит, остеомиелит, ақл тишининг қийинлик билан чиқиши, сўлак безларининг яллиғланиши ва бошқа касалликлар олиб келиши мумкин.



4-расм. Лунж абсцесси.

ши мумкин. Флегмоналар оралиғига кириши), сепсис (қон заарланиши), мия пардасининг яллиғланиши, үпка абсцесси сингари хатарли асоратларга олиб келиши мумкин.

Жағ-юз соҳасидаги абсцесслар ва флегмоналар турлитуман жойларда: қулоқ, күз, чакка, ёноқ, ияк соҳасида жойлашиши мумкин. Абсцесс ва флегмоналар оғиз бүшлиғида ҳам ҳосил бўлиши мумкин.

Абсцесс ва флегмоналар кечишининг оғир-енгиллиги қатор сабабларга: беморнинг умумий ҳолатига, нерв системасига, инфекциянинг вирулентлигига, йиригли ўчоқнинг катта-кичиклигига, врача борган вақтига боғлиқ.

Диабет, қон касалликлари, юрак-томирлар етишмовчилиги, аллергик касалликлари бўлган bemorларда флегмоналар айниқса оғир кечади.

Жағ-юз соҳасида ривожланган флегмоналар тана ҳароратининг бирданига кўтарилиши, қувватсизлик, бош оғриги, иштаҳа йўқолиши, яхши ухлай олмаслик билан ўтади. Конда ва сийдикда ўзгаришлар кузатилади. Айрим флемоналарда bemор ёта олмайди, чунки қийинлик билан нағас олади, у кўпинча бошини энгаштириб, қаддини баланд

Абсцесс — чегараланган йиригли ўчоқdir, флегмонада эса тери ости клетчаткаси, мушаклараро, фасциялараро клетчатканинг ўткир туташ йиригли яллиғланиши вужудга келади (4-расм).

Флегмоналар, айниқса улар чуқур жойлашганда хатарли ва хавфли асоратлардан ҳисобланади. Хавфли томони шундаки, инфекция одамнинг юзидағи кўп сонли лимфатик ва веноз томирлар орқали калла суюгига, бош мияга ўти медиастинит (йиригнинг кўкс

қилиб ўтиради; овқатни ютніш  
ва чайнаш ҳам қийинлашади.

Флегмонада беморнинг юзи  
шишиб кетган (б-расм), тери<sup>1</sup>  
қопламлари гиперемияланган  
(қизарған) бўлади, қўлга иссиқ  
уннайди, ушлаб кўрилганда оғ-  
рыйди, зичлашган, ёғ суртил-  
гандек ялтиллаб туради. Айрим  
қисмларида яллиғланган соҳа-  
нинг юмшаб қолганлиги аниқ-  
ланади, бу юмшоқ тўқималар-  
ни юмшатиб, бўшлиқда тўп-  
ланиб қолган ҳамма томон-  
га тарқалаётган йиринг борли-  
гидан далолат беради. Касал-  
лик ўтиб кетган ҳолларда

флегмона туташ бўлиши, яъни бир неча топографик-ана-  
томик соҳаларни эгаллаши мумкин. Бу даврда беморнинг  
аҳволи оғир, ҳарорати кескин кўтарилади, баъзан 39—40°C  
га чиқади. Бундай ҳолларда инфекция қонга тушиши ва  
уни заарлаши, шунингдек юқорида айтилган бошқа асо-  
ратларни келтириб чиқариши мумкин.

Оғиз бўшлигининг юмшоқ тўқималари шишиди (сал-  
қиңиди), айниқса флегмона ҳосил қилиган тиш соҳасидаги  
тўқималар қизаради. Бу тиш, одатда, емирилган, кариз  
бўшлиқ овқат қолдиқлари билан тўлган бўлади, тиш милки  
остидан йиринг ажралиб туради, оғиздан бадбўй чиринди  
ҳиди келади. Оғиз зўр-базўр очилади, bemor овқат чайнай  
олмайди.

Антибиотикларни кенг қўлланиш туфайли йирингли ял-  
лиғланиш процесслари, жумладан флегмоналар атипик ке-  
чадиган бўлди. Флегмоналар ривожланиши юқорида тас-  
вириланган аломатлар билан ўтмаслиги мумкин, улар бир-  
мунича енгил кечади, натижада bemorлар врачу жуда кечи-  
киб, касаллик зўрайиб кетгандан кейингина борадилар.



5-расм. Жағ ости соҳасининг  
туташ флегмонаси.

Бундай ҳолларда йирингли процесс катта соҳага тарқалади ва узоқ муддатга чўзилади.

Абсцессларда яллигланиш ҳодисалари чегараланган, беморларнинг умумий ҳолатида флегмоналардаги синигарни оғир клиник манзара кузатилмайди.

Абсцесс ва флегмоналар хирургик йўл билан даволанаади—йирингли ўроқ кесиб очилади. Айни вақтда яллигланишга қарши даво олиб борилади.

Йиринг яхши оқиб чиқиши учун юзнинг ва нерв тармоқларининг жойлашган жойи ҳисобга олиниб, катта қилиб кесилади, чунки юз первининг шикастланиши юзнинг хунуклашиб ва қийшайиб қолишига олиб келади.

Флегмонага сабаб бўлган тиш (инфекциянинг кириш дарвозаси)ни bemornинг умумий ҳолати йўл қўйса, флегмона кесилган пайтда тиш ҳам олиб ташланади.

Флегмоналар кесилганда баъзан кўп миқдорда — бир стакангача йиринг ажралади. Кўп миқдорда йиринг бўлиши организмнинг заарarlанишига олиб келади ва у ҳаётий муҳим органларга тушиб, баъзан ўлимга сабаб бўлади.

Операция қилингандан кейин bemorga ўринда ётиш режими, антибиотиклар, юрак дорилари, ухлатадиган, оғриқ қолдирадиган дорилар, витаминлар, умумқувватлайдиган даво, эзизи пиширилган калорияли овқатлар; оғиз бўшлиғини калий перманганат эритмаси билан чайиш тайинланади.

Тишлар кариеси ва унинг асоратларининг олдини олиш учун кариоз кавакларни ўз вақтида аниқлаш ва даволаш мақсадида йилига икки марта врачга мурожаат этиш зарур. Болаларда кариесни ўз вақтида аниқлаш ва даво қилишининг жуда катта аҳамияти бор, чунки бўнут тишлар доимий тишлар билан алмашингунча уларни сақлаб қолиш, шунингдек уларнинг нотўғри чиқишининг олдини олиш учун муҳимдир. Хроник касалликлари бор (ревмокардит, нефрит, полиартрит ва бошқа) болалар ҳам шундай профилактик даво олишлари керак. Касалланган тиш ўроғидаги инфекция асосий касалликни оғирлаштириб юбориши мумкин.